

Хайрли ишлар бардавом

Эзгуликка йўғрилган, савобга дахлдор юмушлар, хайрли ишлар давом этадиган бўлса дил яйрайди, қалб қувнайди. Бугун Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ёшлар иттифоқи фаоллари Тошкент шаҳар Соғлиқни Сақлаш Бош Бошқармасига қарашли «Мурувват» ногирон болалар учун 2-сон интернат уйига ташриф буюришди. Ташрифдан олдин институтнинг бир гуруҳ талабалари ташаббуси билан акциядан йиғилган 1000000 сўм миқдоридаги болалар тўғарак хонаси учун керак бўладиган жиҳозлар ва керакли иш қуроллари беминнат топширилди. Болажонларнинг яратган ишлари билан танишдик. Сиз ҳам ташриф буюринг, албатта. Акцияларда фаол бўлишга бошқа тенгдошларимизни ҳам чорлаб қоламиз.



Ёшлар иттифоқи институт бошланғич ташкилоти маълумоти

Институт Матбуот котиби Раҳимбой Жумфниёзов